

**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдаги  
умумий йиғилишининг  
30 - сонли баёнидан кўчирма**

2019 йил 28 июнь

Тошкент ш.  
Истиклол кўчаси, 9 уй

“Ипотека-банк” АТИБ Меҳнат филиали биносининг мажлислар залида соат 11<sup>00</sup> бошланди.

**Мажлисда қатнашганлар:**

**Банк акциядорлари ва  
уларнинг вакиллари**

**Банк Кузатув кенгаши  
аъзолари**

**Банк Бошқаруви**

**Банкнинг таркибий  
бўлинмалари раҳбарлари**

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга 1 394 760 545 183 дона акциялардан 1 312 419 496 811 дона овозга эгалик қилувчи 24 нафар акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари ҳамда овоз бериш ҳуқуқи бўлмаган имтиёзли акцияга эгалик қилувчи 4 нафар акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари қатнашди.

**Йиғилиш кворуми – 94,10%**

---

Йиғилишни банк Кузатув кенгаши аъзоси Д.К. Ибрагимов очди ва Йиғилишга раислик қилди.

Йиғилиш раиси очиқ овоз бериш йўли билан йиғилиш президиумини сайлаш бўйича таклиф киритди ва овозга қўйди. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда сайланди:

Д.К. Ибрагимов, З.А. Ибрахимжанова, И.М. Абдуллаева, Ж.К. Рахимов, А.А. Қаххоров ва Ш.Х. Атабаев.

Йиғилиш баённомасини ёзиб бориш учун йиғилиш котиби этиб Мерганов Баходир Ибрагимовични сайлаш ҳамда саноқ комиссияси вазифасини бажариш учун банк акциядорлари ичидан Шакаримова Ольга Алексеевнани, Раджабова Азиза Пулатовнани ва Мухитдинов Темур Садритдиновични сайлаш таклиф этилди.

Қуйидаги номзодлар очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш котиби:

Мерганов Баходир Ибрагимович;

Санок комиссияси раиси:  
Санок комиссияси аъзолари:

Шакаримова Ольга Алексеевна;  
Раджабова Азиза Пулатовна;  
Мухитдинов Темур Садритдинович.

Йиғилиш кворумини аниқлаш учун санок комиссиясига сўз берилди.

Санок комиссияси ўз маълумотида 2019 йил 28 июнь куни Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 9-уй манзилида, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида қатнашаётган акциядорларни рўйхатга олиш соат 10<sup>00</sup>да бошланганлигини ва соат 10<sup>55</sup> да рўйхатдан ўтказиш тўхтатилганлигини айтиб ўтди. “Ипотека-банк” АТИБ бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган жами 1 312 419 496 811 дона овозга овозга эга бўлган жами 24 та акциядор ва/ёки уларнинг вакиллари қатнашаётганлигини ва йиғилиш кворуми 94,10% фоизни ташкил этганлигини ҳамда йиғилишни ўтказиш учун кворум мавжудлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси йиғилиш регламенти акциядорларга берилган тарқатма материалларда мавжудлигини айтиб ўтиб, қаршилиқлар бўлмаса уни шу кўринишда тасдиқлашни таклиф этди. Йиғилиш регламенти акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси йиғилиш кун тартибидаги масалаларни акциядорлар томонидан тасдиқланиши учун ўқиб эшиттирди.

### **Кун тартиби:**

1. “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2018 йил натижалари, банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш бўйича тасдиқланган стратегияси ижроси ҳамда 2019 йил фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида банк Бошқаруви ҳисоботини тасдиқлаш.

2. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.

3. “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2018 йил натижалари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

4. “Ипотека-банк” АТИБда 2018 йил натижалари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.

5. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

6. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2018 йил натижалари бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш.

7. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

8. “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.

9. 2019 йил учун банк бизнес-режасини, молиявий режа ҳамда кўчмас мулк ва асосий воситаларга инвестициялар режасини тасдиқлаш.

10. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2016-2020 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини муддатидан илгари тугатиш ва 2019-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

11. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.

12. “Ипотека-банк” АТИБ акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш.

13. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.

14. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

15. 2018 йил давомида амалга оширилган банкнинг аффилланган шахслари билан ва йирик битимларини тасдиқлаш.

16. Банкнинг аффилланган шахслари билан келгусида тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

17. Банк Бошқарувининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини маъқуллаш.

18. Банк балансининг “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида ҳисоби юритилаётган айрим активларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш бўйича банк Кузатув кенгаши қарорини тасдиқлаш.

19. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари муддатларини 1 йилга узайтиришни тасдиқлаш.

20. 2019 йил учун “Ипотека-банк” АТИБ ташқи аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори чегарасини тасдиқлаш.

21. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги низомнинг иловасини (банкнинг ташкилий тузилмасини) янги таҳрирда тасдиқлаш.

**1. Кун тартибидаги биринчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2018 йил натижалари, банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш бўйича тасдиқланган стратегияси ижроси ҳамда 2019 йил фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида банк Бошқаруви ҳисоботини тасдиқлаш.**

Шундан сўнг, акциядорларга банкни ривожлантириш бўйича стратегияси ижроси ҳамда “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви томонидан 2019 йилдаги фаолияти учун белгилаб олинган устувор йўналишлар ва вазифалар ўқиб эшиттирилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 312 102 191 647  
(99,98%)**

**Қарши 0  
(0%)**

**Бетараф 237 521 922  
(0,02%)**

**2. Кун тартибидаги иккинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.**

“Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш юзасидан Йиғилишга раислик қилувчи – банк Кузатув кенгаши аъзоси Д.К. Ибрагимов ҳисобот берди.

Шунингдек, Йиғилиш раиси банк фаолиятидаги корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини кўрсатувчи асосий сифат кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ўқиб эшиттирди.

**Кун тартибидаги иккинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 312 102 191 647**  
**(99,98%)**

**Қарши 0**  
**(0%)**

**Бетараф 245 573 922**  
**(0,02%)**

**3. Кун тартибидаги учинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2018 йил натижалари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш юзасидан банк Тафтиш комиссияси раиси Ф.А. Туляганов сўзга чиқди.**

Тафтиш комиссияси ҳисоботи акциядорларга ўқиб эшиттирилди.

**Кун тартибидаги учинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 311 819 244 367**  
**(99,95%)**

**Қарши 0**  
**(0%)**

**Бетараф 528 521 202**  
**(0,04%)**

**4. Кун тартибидаги тўртинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБда 2018 йил натижалари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини тасдиқлаш масаласи бўйича Йиғилиш раиси маълумот берди.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 311 815 403 563**  
**(99,95%)**

**Қарши 0**  
**(0%)**

**Бетараф 532 362 006**  
**(0,04%)**

**5. Кун тартибидаги бешинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси сўзга чиқди.**

Амалдаги қонунчиликка асосан, ҳар бир акциядорлик жамияти ўзининг йиллик ҳисоботини тайёрлаши ва бошқарув органлари томонидан тасдиқланиши лозимлигидан келиб чиқиб, банк томонидан 2018 йил якунлари учун йиллик ҳисоботи тайёрланган.

**Кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 312 102 191 647**  
**(99,98%)**

**Қарши 0**  
**(0%)**

**Бетараф 245 573 922**  
**(0,02%)**

**6. Кун тартибидаги олтинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2018 йил натижалари бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш бўйича Йиғилиш раиси маълумот берди.**

**Кун тартибидаги олтинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 312 260 340 979**  
**(99,99%)**

**Қарши 0**  
**(0%)**

**Бетараф 87 424 590**  
**(0,01%)**

**7-8. Кун тартибидаги еттинчи ва саккизинчи масалалар – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш ва саккизинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш масалалари биргаликда кўрилди ва улар бўйича Йиғилиш раиси сўзга чиқди.**

Банк Кузатув кенгаши мазкур барча мурожаатларни кўриб чиқиб, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун қуйидаги номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш бўйича қарор қабул қилган:

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича берилган овозлар:**

№	Ф.И.О.	Лавозими	Овоз бериш натижалари
			(овозлар сони)
1	Хўжаев Ботир Асадиллаевич	Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири	1 142 587 893 018
2	Ибрахимжанова Зумрат Аманбаевна	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқармаси бошлиғи	1 520 813 188 044
3	Ибрагимов Джамол Камилович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари	1 521 620 452 015
4	Абдуллаева Ирода Маратовна	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлими бошлиғи	1 520 793 058 044
5	Ишмухамедов Мурат Мерғалиевич	Қозғистон Республикаси “Хукумат фуқаролар учун” давлат корпорацияси НАЖ Кузатув кенгаши аъзоси М.М. Ишмухамедов	1 422 085 557 032
6	Зайнутдинов Сирожиддин Сайфутдинович	“Группа Илим” АЖ аудит бўйича вице-президенти	1 326 828 689 311
7	Таджиев Авазхон Асадуллаевич	“Салтанат Мева” Савдо уйи МЧЖ бош директори	1 300 460 123 488
8	Зоҳидов Зафар Тўлқинжонович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари	460 123 488
9	Хайдаров Бахтиёр Ҳалимович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги департаменти бошлиғи	41 836 112 571
10	Қаххоров Азизжон Ахрор ўғли	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги департаменти бошлиғи ўринбосари	1 020 274 557 556
11	Ҳамидова Феруза Рустамовна	“Олмалик КМК” АЖ иқтисод ва молия масалалари бўйича Бошқарув Раиси ўринбосари	165 032 760 176
12	Обидов Иқболжон Аскаралиевич	“Ўзнефтмаҳсулот” АЖ Бош бухгалтери	103 412 995 488
13	Рахимов Жамолитдин Камолитдинович	“Ўзнефтмаҳсулот” АЖ Акциядорлар билан	704 262 941 006

		корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи	
14	Шек Евгений Юрьевич	“Ўзбекгеофизика” АЖ бўлими бошлиғи	58 377 000
15	Юсупов Алишер Насирджанович	“O'zagrosug'urta” АЖ Бошқаруви раисининг ўринбосари	64 790 418
16	Обиджонов Жахонгир Обиджонович	“Ўзбекэнерго” АЖ Бошқаруви раисининг ўринбосари	20 352 934 556

**Кун тартибдаги саккизинчи масала бўйича берилган овозлар:**

№	Ф.И.О.	Лавозими		
1	Туляганов Фаррух Абдурасулович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлими бошлиғи		
	<b>Тарафдор</b> <b>1 295 496 294 383</b> <b>(98,71%)</b>	<b>Қарши</b> <b>16 075 536 180</b> <b>(1,22%)</b>	<b>Бетараф</b> <b>237 521 922</b> <b>(0,02%)</b>	
<i>Овоз бермаганлар – 610 144 326 (0,05 %) дона овоз.</i>				
2	Лолахонов Нодирбек Улугбекович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош мутахассиси		
	<b>Тарафдор</b> <b>1 265 543 558 933</b> <b>(96,43%)</b>	<b>Қарши</b> <b>36 350 093 736</b> <b>(2,77%)</b>	<b>Бетараф</b> <b>237 521 922</b> <b>(0,02%)</b>	
<i>Овоз бермаганлар – 10 288 322 220 (0,78%) дона овоз.</i>				
3	Набиев Хисрав Орифжанович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош мутахассиси		
	<b>Тарафдор</b> <b>941 880 700 236</b> <b>(71,77%)</b>	<b>Қарши</b> <b>359 992 822 433</b> <b>(27,43%)</b>	<b>Бетараф</b> <b>237 521 922</b> <b>(0,02%)</b>	
<i>Овоз бермаганлар – 10 308 452 220 (0,79%) дона овоз.</i>				
4	Тахиров Жамшид Уткурович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бошқармаси бошлиғи		
	<b>Тарафдор</b> <b>262 010 623 151</b> <b>(19,96%)</b>	<b>Қарши</b> <b>1 048 723 892 010</b> <b>(79,91%)</b>	<b>Бетараф</b> <b>237 521 922</b> <b>(0,02%)</b>	
<i>Овоз бермаганлар – 1 447 459 728 (0,11%) дона овоз.</i>				
5	Валижанов Жамшид Мухримжанович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бўлими бошлиғи		
	<b>Тарафдор</b> <b>20 275 491 588</b> <b>(1,54%)</b>	<b>Қарши</b> <b>1 280 781 558 281</b> <b>(97,59%)</b>	<b>Бетараф</b> <b>237 521 922</b> <b>(0,02%)</b>	
<i>Овоз бермаганлар – 11 124 925 020 (0,85%) дона овоз.</i>				
6	Рустамов Бахтиёр Равшанович	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси		
	<b>Тарафдор</b> <b>21 064 032</b> <b>(0,00%)</b>	<b>Қарши</b> <b>1 301 056 115 837</b> <b>(99,13%)</b>	<b>Бетараф</b> <b>237 521 922</b> <b>(0,02%)</b>	
<i>Овоз бермаганлар – 11 104 795 020 (0,85%) дона овоз.</i>				

7	Цхай Виктория Александровна	“Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” АЖ Ғазначилик ва молия хизмати бошлиғи	
	<b>Тарафдор</b> <b>46 024 994 466</b> <b>(3,51%)</b>	<b>Қарши</b> <b>1 264 706 022 101</b> <b>(96,36%)</b>	<b>Бетараф</b> <b>237 521 922</b> <b>(0,02%)</b>
<i>Овоз бермаганлар – 1 450 958 322 (0,11%) донна овоз.</i>			
8	Исмамов Ўткирбек Юсуфович	“Ўзнефтмаҳсулот” АЖ бош бухгалтери ўринбосари	
	<b>Тарафдор</b> <b>103 467 435 060</b> <b>(7,88%)</b>	<b>Қарши</b> <b>1 197 594 538 607</b> <b>(91,25%)</b>	<b>Бетараф</b> <b>237 521 922</b> <b>(0,02%)</b>
<i>Овоз бермаганлар – 11 120 001 222 (0,85%) донна овоз.</i>			

**9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала** – 2019 йил учун банк бизнес-режасини, молиявий режа ҳамда кўчмас мулк ва асосий воситаларга инвестициялар режасини тасдиқлаш масаласи бўйича Йиғилиш раиси қуйидагиларни ўқиб эшиттирди.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 312 110 243 647**                      **Қарши 0**                      **Бетараф 250 876 164**  
**(99,98%)**    **(0%)**    **(0,02%)**

**10. Кун тартибидаги ўнинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг 2016-2020 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини муддатидан илгари тугатиш ва “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўнинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 312 106 032 451**                      **Қарши 0**                      **Бетараф 241 733 118**  
**(99,98%)**    **(0%)**    **(0,02%)**

**11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 311 969 341 699**                      **Қарши 0**                      **Бетараф 378 423 870**  
**(99,97%)**    **(0%)**    **(0,03%)**

**12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритишни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 1 311 819 244 367**                      **Қарши 0**                      **Бетараф 528 521 202**  
**(99,95%)**    **(0%)**    **(0,04%)**

**13. Кун тартибидаги ўн учинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш бўйича Йиғилиш раиси маълумот берди.

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор 1 311 738 724 367</b> (99,95%)	<b>Қарши 0</b> (0%)	<b>Бетараф 609 041 202</b> (0,05%)
---	------------------------	---------------------------------------

**14. Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги низомни янги таҳрирда тасдиқлаш масаласи бўйича Йиғилиш раиси маълумот берди.

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор 1 311 730 672 367</b> (99,95%)	<b>Қарши 0</b> (0%)	<b>Бетараф 630 447 444</b> (0,05%)
---	------------------------	---------------------------------------

**15. Кун тартибидаги ўн бешинчи масала** – 2018 йил давомида амалга оширилган банкнинг аффилиланган шахслари билан ва йирик битимларини тасдиқлаш бўйича Йиғилиш раиси акциядорларга ахборот берди.

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор 1 311 880 769 699</b> (99,96%)	<b>Қарши 0</b> (0%)	<b>Бетараф 399 830 112</b> (0,03%)
---	------------------------	---------------------------------------

**16. Кун тартибидаги ўн олтинчи масала** – Банкнинг аффилиланган шахслари билан келгусида тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш бўйича Йиғилиш раиси ахборот берди.

**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор 370 901 527 097</b> (99,88%)	<b>Қарши 0</b> (0%)	<b>Бетараф 400 542 714</b> (0,11%)
---	------------------------	---------------------------------------

*Изоҳ: Овоз беришда аффилиланган шахс Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (941 059 050 000 дونا овоз) иштирок этмади.*

**17. Кун тартибидаги ўн еттинчи масала** – Банк Бошқарувининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш ва улар амалга оширилишини маъқуллаш бўйича Йиғилиш раиси ахборот берди.

**Кун тартибидаги ўн еттинчи масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор 370 453 699 013</b> (99,76%)	<b>Қарши 0</b> (0%)	<b>Бетараф 848 370 798</b> (0,23%)
---	------------------------	---------------------------------------

*Изоҳ: Овоз беришда аффилиланган шахс Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (941 059 050 000 дона овоз) иштирок этмади.*

**18. Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала** – Банк балансининг “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида ҳисоби юритилаётган айрим активларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш бўйича банк Кузатув кенгаши қарорини тасдиқлаш.



**Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор 1 311 274 079 681</b> (99,91%)	<b>Қарши 8 052 000</b> (0,00%)	<b>Бетараф 1 078 988 130</b> (0,08%)
---	-----------------------------------	---

**19. Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари муддатларини 1 йилга узайтиришни тасдиқлаш бўйича Йиғилиш раиси сўзга чиқди.

**Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор 1 311 653 155 763</b> (99,94%)	<b>Қарши 0</b> (0%)	<b>Бетараф 693 402 006</b> (0,05%)
---	------------------------	---------------------------------------

**20. Кун тартибидаги йигирманчи масала** – 2019 йил учун “Ипотека-банк” АТИБ ташқи аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори чегарасини тасдиқлаш бўйича Йиғилиш раиси ахборот берди.

**Кун тартибидаги йигирманчи масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор 1 301 980 396 865</b> (99,20%)	<b>Қарши 0</b> (0%)	<b>Бетараф 10 359 316 704</b> (0,79%)
---	------------------------	--

**21. Кун тартибидаги йигирма биринчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги низомининг иловасини (банкнинг ташкилий тузилмасини) янги таҳрирда тасдиқлаш бўйича Йиғилиш раиси сўзга чиқди.

**Кун тартибидаги йигирма биринчи масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор 1 059 398 448 540</b> (80,72%)	<b>Қарши 0</b> (0%)	<b>Бетараф 236 865 728 849</b> (18,05%)
---	------------------------	--

Юқорида баён этилган кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши

**Қарор қилди:**

1. “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2018 йил натижалари, банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантириш бўйича тасдиқланган стратегияси ижроси ҳамда 2019 йил фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида банк Бошқаруви ҳисоботи тасдиқлансин.

2. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

3. “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятининг 2018 йил натижалари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботи тасдиқлансин.

4. “Ипотека-банк” АТИБда 2018 йил натижалари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин

5. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2018 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи 1-иловага асосан тасдиқлансин.

6. Банкнинг 2018 йил натижалари бўйича олган соф фойдаси 250'162'015'223,27 сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ–2344-сон “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида банк назорати бўйича Базель кўмитасининг стандарт ва тавсияларини (Базель-III стандартлари) 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаб бориш белгиланган.

Шунга кўра, Адлия вазирлигида 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан давлат рўйхатига олинган “Тижорат банклари капиталининг монандлигига кўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти (К1)нинг энг кичик даражаси 2017 йил 1 январдан бошлаб 12,5 фоизни, 2019 йил 1 январдан бошлаб эса банклар, таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридagi капитални консервация қилиш буферини (буфер капитални) ҳисобга олган ҳолда, К1нинг энг кичик даражасини 0,13 (13 фоиз) миқдоридa таъминлашлари шартлиги белгиланган.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005-сон “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан эквиваленти 50 миллион АҚШ доллари миқдоридa “Ипотека-банк” АТИБнинг устав капиталидaги давлат улуши оширилиши, 4-бандида “Ипотека-банк” АТИБ кейинги 5 йил давомида белгиланган тартибда Жамғарманнинг улушини ҳар йилги соф фойда ҳисобидан акцияларнинг бозор қийматида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган қийматда сотиб олиши белгиланган.

Шу муносабат билан, 2019 йилда банк умумий капиталини 37 фоизга ўстириш режалаштирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банк фаолиятига оид қонунчилик талабларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда “Ипотека-банк” АТИБнинг капиталлашувини янада ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, банкнинг 2018 йил натижалари бўйича олган соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- соф фойданинг 5,77 фоизи ёки 14'442'907'054,69 сўми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ–4005-сонли қарори 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида, банкнинг умумий захира капитали таркибида алоҳида ҳисобварақ очган ҳолда, кейинчалик Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ушбу қарор асосида киритган улушини қайтариб сотиб олиш учун йилма-йил захира капиталини шакллантириб боришга йўналтирилсин;

- соф фойданинг 30,64 фоизи ёки 76'647'606'912,31 сўми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида стандарт активлар бўйича яратилadиган захираларга йўналтирилсин;

- соф фойданинг 0,8 фоизи ёки 2'013'000'000,00 сўми банкнинг уставига асосан имтиёзли акциялар бўйича акция номинал қийматининг 25 фоизи миқдоридa пул кўринишида дивиденд тўлашга йўналтирилсин. Бунда, бир акциядорга ҳисобланадиган дивидендлар миқдори 1 тийингача бўлган аниқликда аниқлансин, ҳисоблашда рақамларни яхлитлаш математик яхлитлаш қоидалари бўйича амалга оширилсин. Дивидендларни тўлаш 2019 йил 18 июлдан бошлансин ва 2019 йил 26 августда тугатилсин;

- соф фойданинг 44,6 фоизи ёки 111'580'843'614,64 сўми банкнинг оддий акциялари жозибадорлигини сақлаб қолиш учун пул кўринишида (ҳар бир оддий акцияга 0,08 сўм

ёки акция номинал қийматининг 8 фоизи миқдорида) дивиденд тўлашга йўналтирилсин. Бунда, бир акциядорга ҳисобланадиган дивидендлар миқдори 1 тийингача бўлган аниқликда аниқлансин, ҳисоблашда рақамларни яхлитлаш математик яхлитлаш қоидалари бўйича амалга оширилсин. Дивидендларни тўлаш 2019 йил 18 июлдан бошлансин ва 2019 йил 26 августда тугатилсин;

- соф фойданинг 13,18 фоизи ёки 32'969'556'880,47 сўми бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилганлиги, соф фойда белгиланган миқдордан кўпроқ олинганлигини инобатга олиб, банк фаолиятида ижодий қатнашувни рағбатлантирувчи восита сифатида, ижтимоий ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда, банк ходимларига йиллик мукофот тўлашга 32 212 857 592,47 сўм йўналтирилсин. Айти вақтда, ижтимоий ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда, Кузатув кенгаши аъзоларига 726 289 788 сўм ва Тафтиш комиссияси аъзоларига 30 409 500 сўм мукофот тўлашга йўналтирилсин. Бунда, мукофотлаш даври 2018 йил 22 июндан бошлаб 2019 йил 28 августгача бўлган вақт оралиғи олинсин ҳамда Кузатув кенгаши аъзосининг мазкур даврда таркибда бўлган вақтига мутаносиб равишда ҳисоблансин;

- банк уставига асосан, банкнинг умумий захира капитали устав капиталининг (1'402'812'545'183,00 сўм) 20 фоизи миқдorigа тенг бўлиши белгиланган. Бугунги кунда умумий захира капитали миқдори 189,6 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ–2660-сонли қарorigа асосан йил якунига қадар устав капитали кўшимча тахминан 60 млрд. сўмга оширилиши режалаштирилганлигидан келиб чиқиб, қонунчилик асосида, соф фойданинг 5,00 фоизи ёки 12'508'100'761,16 сўми умумий захира капиталига йўналтирилсин.

**7.** “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига Б.А. Хўжаев, З.А. Ибраҳимжанова, Д.К. Ибрагимов, И.М. Абдуллаева, М.М. Ишмухамедов, С.С. Зайнутдинов, А.А. Таджиев, А.А. Қаххоров ва Ж.К. Раҳимовлар сайлансин. Уларнинг сайланганлиги муносабати билан Д.Ш. Султонов, И.А. Обидов ва Ф.Р. Хамидовалар банк Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.

**8.** “Ипотека-банк” АТИБ Тафтиш комиссияси таркибига Ф.А. Туляганов, Н.У. Лолахонов Х.О. Набиевлар сайлансин.

**9.** 2019 йил учун банк бизнес-режаси, молиявий режа ҳамда кўчмас мулк ва асосий воситаларга инвестициялар режаси тасдиқлансин. Банк Кузатув кенгашига ушбу ҳужжатларга 2019 йил давомида заруриятга қараб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Марказий банкдан тегишли қарор ёки ёзма топшириқлар берилган тақдирда тегишли ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

**10.** “Ипотека-банк” АТИБнинг 2016-2020 йилларга мўлжалланган стратегияси муддатидан аввал тугатилсин ва янги ишлаб чиқилган “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тасдиқлансин.

**11.** “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар матни 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Банк Бошқаруви уставга киритиладиган ушбу ўзгартишлар ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

**12.** “Ипотека-банк” АТИБ акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритилсин ва киритиладиган ўзгартишлар матни 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**13.** “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар матни 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатов кенгаши аъзоларига тўланадиган рағбатлантириш ва компенсациялар тўғрисидаги низом янги тахрирда 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. 2018 йил давомида амалга оширилган банкнинг аффилиланган шахслари билан ва йирик битимлари тасдиқлансин.

16. “Ипотека-банк” АТИБнинг 2019 йилдаги фаолияти натижаларига бағишлаб ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши санасига қадар банкнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши мумкин бўлган битимлар (кредит ажратиш, банк акцияларини жойлаштириш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа битимлар) тасдиқлансин.

17. Банк Бошқарувининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун банкнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар сифатида Марказий банк томонидан банкка берилган лицензияда кўрсатиб ўтилган банк операциялари ва амалдаги қонунчиликда банк фаолияти деб ҳисобланадиган операциялар белгилансин, шунингдек мазкур операцияларнинг банк Бошқаруви томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига мувофиқ аффилиланган шахслар билан ҳамда йирик битимларни тузиш асосида мустақил амалга оширилиши мумкинлиги маъқуллансин.

18. Банк балансининг “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида ҳисоби юритилаётган айрим активларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш бўйича банк Кузатов кенгаши қарори тасдиқлансин.

19. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси Ш.Х. Атабаев ва Бошқарув аъзолари Э.И. Иномжонов, Д.И. Зулфукаров, М.А. Абдурахманов, Ж.М. Фаязов, Э.З. Норметов ва Ҳ.Г. Муродовлар билан тузилган меҳнат шартномалари муддатларини 1 йилга узайтириш тасдиқлансин.

Банк Кузатов кенгаши ва банк Бошқаруви Раиси Ш.Х. Атабаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ипотека-банк” АТИБ раҳбарлик лавозимларига танловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича регламентни белгиланган тартибда ишлаб чиқиб тасдиқланишини таъминласин.

20. 2019 молиявий йил учун (ярим йиллик обзор, йиллик ҳисобот аудити ва ковенантлар ҳисоб-китоби) “Ипотека-банк” ташқи аудитори этиб “Deloitte & Touche” аудиторлик компанияси ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори чегараси 989 млн. сўм миқдорида тасдиқлансин.

21. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги низомнинг иловаси (банкнинг ташкилий тузилмаси) янги тахрирда 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш котиби



Б.И. Мерганов

*Ушбу баён 2019 йил 8 июлда икки нусхада тузилди.*